

Янги Ўзбекистонни янгича дунёқараш яратади

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги 16 умумий ўрта таълим мактабида 2020 йил 14 ноябрь куни шу номдаги тадбир ўтказилди. Тадбирда ТИҚХММИ "Олий математика" кафедраси профессор-ўқитувчилари, Тошкент вилояти масъул ходимлари, Ўрта Чирчиқ тумани РАВОТАК маҳалласи ходимлари, туман Хотин-қизлар кенгаси раиси ўринбосари, туман Нуроний жамияти раиси, маҳалла аҳолиси ва фаоллари, иштирок етишди. Тадбир "Олий математика" кафедраси доценти В.Вахобов, Ф.Тураевлар томонидан очиб берилди.



Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг халқимиз тақдиридаги инъикоси ва Олий таълим соҳасидаги янгиликлар ҳақида маърузалар қилинди. Шундан сўнг туман, маҳалла фаоллари ва 16 мактаб ўқувчилари иштирокида бадиий кўринишлар, ёш спортчиларни чиқишлиари, Ватан мадҳ етадиган ва халқнинг кайфиятини кўтарадиган шеърлар, куй-қўшиқлар ижро қилинди. Ф.Тураев томонидан ўтказилган викторина ғолибларига бадиий китоблар ва фахрий ёрликлар топширилди. "Янги Ўзбекистон Янгича дунёқараш" шиори остида ўтаётган тадбирни ташкилотчилари ўз мақсадларига еришишди. Маҳалла аҳолиси томонидан шундай тадбирлар сонини кўпайтириш таклифи берилди.



ТИҚХММИ матбуот хизмати